

БОШҚАРМА БОШЛИГИНИНГ БИР КУНИ

(Самарқанд вилояти уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи
Рустам САТТОРОВнинг иш фаолияти ҳақида очерк)



“Япония энергетика вазири 20 дақиқа электр чироғи ўчиб қолгани учун халқидан кечирим сўраб, 20 дақиқа эгилиб турди”.

Шу хабарни ўқиганимда олти ойлаб электрсиз, газсиз ўтирган кунларимизни эслаб кўзимга ёш келганди. Эгилиб туриш тугул, бир инсон кечирим ҳам сўрамаган, изоҳ ҳам бермаган. Бизда ҳам шунақа мард раҳбар чиқармикан, деб юрардим.

Яқинда Самарқанд вилояти раҳбарларидан бири Фейсбуқда Самарқанд шаҳри аҳолисидан бажарилаётган таъмирлаш ишлари туфайли бир соат ичимлик суви бериш узилишини айтиб, кечирим сўраганини кўриб қолдим. Бир соат кейин ўша раҳбар сув яна берила бошлаганини ёзиб, тўғри тушунганиклари учун шаҳар аҳолисига миннатдорчиллик билдири.

Бу унчалик катта иш ҳам, қаҳрамонлик ҳам эмасдир, аммо мана шу иш – инсонийлик. Мана шу иш – халқни ўйлаш. Мана шу иш – мансабини эмас, халқини ўйлаб қайғурадиган раҳбарнинг иши.

Бу раҳбар Самарқанд вилояти уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи Рустам Сатторов эди.

У билан бир сухбат қуриш ниятида телефон рақамини топдим. Ниятимни айтдим. Ўнг келтирганини қарангки, ўша раҳбарнинг ўзи мен яшайдиган худудда амалга оширилаётган таъмирлаш ишларини кўздан кечиргани келаётган экан. “Вақтингиз бўлса, бир кун мен билан бирга юринг, савол ҳам берманг, бирон нарса ҳам деманг”, деди у киши.

Бир кун бирга юрдим, савол ҳам бермадим, гапирмадим ҳам, аммо ҳаммасини ўз кўзим билан кўрдим.

Самарқанд шаҳрини кўркамлаштириш, обод қилиш учун Президентимиз 50 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағни ажратган. Шаҳардаги барча кўп қаватли бинолар, кўчалар, бекатлар, йўл ёқасидаги бинолар таъмирланмоқда. Собиқ иттифоқ даврида бир хил бўялиб, аллақандай кулранг тусда бўлиб қолган ўйлар ҳаммаси ҳар хил рангларда бўялиб, кўрган кўзни қувонтирадиган кўринишга келтирилмоқда. Электр симлари ва симёғочлари алмаштирилди, иссиқ ва совуқ сув қувурлари янгисига алмаштирилмоқда. Хуллас, Самарқандда улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Шаҳарнинг Суғдиёна масканидаги барча уй-жой ширкатлари ва маскандаги таъмирлаш ишларини олиб бораётган қурилиш ташкилотлари раҳбарлари, пурдатчилар тўпланишган экан. Йиғилиш қисқа, аниқ, лўнда бўлди. Рустам Сатторов узундан-узоқ кириш сўзи ҳам қилмади, Президент сўзларидан иқтибос ҳам келтирмади, ҳукумат қарорлари ҳақида ҳам гапириб ўтиrmади. Гапнинг бўладиганини айтди:

– Курувчилар, танловда ҳар бирингиз муайян ўйларни чиройли таъмирлаб бериш имкониятини кўлга киритгансиз, сизга керакли маблағ, техника ажратилган, вилоят ҳокими томонидан 20 февралгача барча таъмирлаш ишларини тутатишингиз белгилаб берилган. Мен об-ҳаво совигани, ёғингарчилик бўлаётгани, бу шароитда биноларнинг фасад қисмida таъмирлаш, бўяш ишларини олиб бориб бўлмаслигини ҳисобга олиб, ўз ваколатимдан фойдаланиб, сизларга яна 10 кун кўшиб бераман. Аммо, марҳамат қилиб, 1 марта қадар ҳамма ишни тутатиб, ҳар бирингиз олган ўйларингизни давлат қабули асосида топширинг. Битта нарсани айтиб қўйай, давлат қабулидан олдин жамоат қабули бўлади. Ширкатлар, маҳаллалар, шу ўйда яшовчи зиёли кишилар иштирок этадиган нуфузли жамоатчилик комиссиясини тузамиз. Улар ҳар бир уйни, унинг йўлакларини, барча қаватлардаги зиналар-у, тутқичларини, ертўлаларидан томларигача кўриб чиқадилар. “Мана шу уй кўнгилдагидек таъмирдан чиқарилибди”, дейишганидан кейингина давлат қабулига тақдим қиласиз. Чунки бу ўйларда давлат комиссияси аъзолари эмас, ўша ернинг аҳолиси яшайди. Аввало, шу ўйларда яшовчилар сизларнинг ишларингиздан рози бўлишлари керак.

Шундан сўнг Рустам ака қурувчилар бажараётган ишларнинг сифатини текшириш учун ўзи юборган бошқарма ҳукуқшуносидан ахборот беришини сўради. Ҳукуқшунос қурувчиларнинг ишини ҳам, аҳолининг фикрларини ҳам ўрганганини айтиб, айрим пурдатчиларнинг ишидаги жиддий камчилик-



Суратда: ўнгдан учинчи Рустам САТТОРОВ

ларни санади. Хусусан, бир неча пудратчи ёмғир қувурларини ўрнатишда жуда юпқа тунукадан фойдаланишганини айтди. Айрим уйларда таъмираш ишлари шошма-шошарлик билан қилингани, дид билан қилинмаганини таъкидлади. Рустам ака ҳар бир пудратчидан бунинг сабабини сўраб, ҳуқуқшунос таъкидлаган ишларни бошқатдан қилишини тайинлади.

Шундан сўнг таъмираш ишлари бораётган уйларни биргаликда бирма-бир кўздан кечирдик. Бир неча уйда ўрнатилган ёмғир қувурларини ушлаб кўрдик, ҳақиқатдан ўта юпқа тунукадан ясалган бу “эгилувчан” қувурлар қоғоздан ясалганга ўхшарди.

– Ҳамманг яхшилаб қулоқ сол, – деди Рустам ака. – Битта уйга ишлатиладиган ёмғир қувуридан неча пул ўғирлашинг мумкин? Қоидадаги қувурнинг ўрнига мана бу сифатсиз қувурни қўйишдан топган қўшимча даромадинг 500 000 сўмга ҳам бормайди. Ўтри бўл, инсофли бўл! Уялмайсанми, шу арзимаган пул учун қаллоблик қилгани? Сизларга виждан ишласанг ҳам биноидек даромад қиладиган имкониятлар қилиб бермадикми? Ҳамма қувурларни оласан, қалин тунукадан ясалган қувурларга алмаштирасан, янгисини ўзингнинг ҳисобингдан қиласан, мана сенга қўшимча даромад! Ахир бу юпқа қувурларинг бир-иккита барг тиқилса, чириб, тешилиб, ҳамма ёғидан сув оқишини бошлайди-ку! Ширкат раҳбарлари, манави юпқа қувурларни ечиб олиб, пачоқлаб, металлоломга топширгилар, бўлмаса булар кўзимизни шамғалат қилиб, яна бошқа уйга қўйиб юборишади. Эҳтиёт бўлинглар, ёмғир қувуридан пул қиламан, деб қаллоблик қилдими, ертўлалардаги иссиқ ҳамда совуқ сув қувурларини алмаштираётгандаридан ҳам қаллоблик қиласи. Эскиларини ечиб олиб, зудлик билан металлоломга

топширгилар. Ҳаммаси 100 фоиз янгисига, сифатлисига алмаштирилишини назорат қилинглар!

Кўп қаватли уйларда яшаётгандар билан сухбатлашдик. Айримлари таъмираш ишларида бўлаётган камчиликларни айтишса, айримлари уйлари жуда чиройли бўлиб қолганидан хурсандликларини билдиришди. Аҳолининг эътироф этишича, йўлаклар (подъезд) ва зиналарни бўяшда жуда сифатсиз бўёқлар ишлатилмоқдаки, улар бир-икки ювганда ювилиб кетяпти. Кўп зиналар четидаги тутқичлар яхши таъмирланмаган, айримларининг ораси етарлича тўсилмаганидан ўйинқароқ ёш болалар тушиб кетиш хавфи бор. Бу камчиликларнинг ҳар бири хусусида Рустам Сатторов ёрдамчиларига кўрсатмалар бериб, уларни бартараф қилишнинг аниқ муддатини белгилаб берди.

Кўпдан кўп гап чиқади-да. Баъзилар таъмирланган йўлакларда, айрим қават майдончаларидан ётган чиқиндиларни қурувчилар тозалаб, юваб бераб кетмаётганидан шикоят қилишди. Уларни ҳам бориб кўрдик. Ўзлари ташлаган пакетлар, конфет қоғозлари ва ҳоказолар.

– Қурувчи сизлар ташлаган қоғозларни йиғиштириб, йўлакларинигзагча юваб берса, сизлар, ўзларингиз нима қиласизлар? Шунча иш бўлаяпти, сизлар ҳам озгина ҳисса қўшсаларингиз бўлмайдими? Болаларингиз ташлаган қоғозларни ўзларингиз йиғиштирсаларингиз бўлади-ку!

Бир пудратчи шикоят қилди:

– Фалон маҳалла раиси биз алмаштираётган сув қувурлари ва бошқа нарсаларни чиқарib сотиб юбораяпти, гапирсак, ҳамма уйлар меники, унинг жиҳозлари ҳам меники, уларга мен эгаман, сотиб, пулини маҳалла учун ишлатаман, деяпти.

– Сизлар ечиб олган эски сув қувурлари ва



бошқа жиҳозларнинг кунлигини кунлик металломага топширинглар, ширкатларнинг раислари ҳужоат қилиб, расмийлаштириб қўйсин. Бу ҳақда вилоят ҳокимининг қарори бор.

Яна бир пурратчи шикоят қилди:

– Айрим хонадон соҳиблари уларнинг уйларидағи иссиқ ва совуқ сув ҳамда канализация қувурларини алмаштириш учун кирамиз десак, уйларига киритишмаяпти ва эски металл қувурларни замонавий пластик қувурларга алмаштиришимизга рози бўлишмаяпти.

– Ўзларингда ҳам айб бор, – деди Рустам ака. – Бир кирганда бошқа иш қолдирмай чиқиб кета олмайсизлар. Бир кириб совуқ сувнинг, бир кириб иссиқ сувнинг қувуруни алмаштирасизлар, яна бир ҳафта ўтиб, канализация қувуруни алмаштиргани борасизлар. Уй эгасининг жонига тегади-да. Устига, кўпчилиги уйини чиройли таъмирлаган, қувурни алмаштираман, деб евроремонтининг расвосини чиқариб кетасизлар. Бир кирганда бошқа кирмайдиган қилиб, уларнинг таъмирлаган ишларига имкон қадар зиён етказмасдан ишни бажариб чиқиб кетсаларингиз, ҳеч ким қаршилик қилмайди. Ширкат раҳбарлари, аҳолига тушунтирингки, эски, занглаган, чириган металл қувурлардан бир донаси ҳам қолмайди, юз фоиз янгисига алмаштирамиз, бу нарса муҳокама қилинмайди.

Худди ана шундай қисқа йиғилиш ва таъмирланётган уйларни кўздан кечириш самарқандликлар Микрорайон деб атайдиган мавзеда ҳам бўлиб ўтди. Бу ердаги уйларни ҳам бирга кўриб чиқдик. Таъмирлаш ишлари битган уйларни ҳам, битмаган уйларни ҳам кўздан кечирдик.

Ана шу ерда Рустам Сатторов бир неча уйларни атайлаб кўрсатиб, ўзига “бошоғриқ” бўлаётган муаммони баён қилди:

– Балкон муаммоси ростдан ҳам жиддий муаммо. Хабарингиз бор, Тошкентда бу билан боғлик бир эмас, икки мудҳиш воқеа содир бўлди. Бу нарса Самарқандда бўлмайди, деб ҳеч ким кафолат

бермайди. Мана, кўраяпсиз, одамлар очик туриши керак бўлган балконни кўшимча хона қилиб олишган, кўпчилик ошхонани балконга чиқариб, ошхонани кўшимча хона қилиб олган. Кўпчилик ғиштериб, ёпиб олишган. Аммо бу балконлар бунақа оғирликни кўтармайди, улар монолит ҳам эмас. Мана бу уйнинг балконига қаранг, у бир томонга оғишни бошлаган. Бетон ҳам, металл ҳам замонлар ўтиб емирилади, туриб-туриб, бир куни бирданига ташлаб юбориши мумкин. Ана шунда барча қаватларнинг балконлари ўприлиб тушади. Бу эса фожиали якун топиши мумкин.

Ҳақиқатдан ҳам ана шундай “айвонча” (балкон)ли уйларни кузатганимизда бу уйларни таъмирланган деса ҳам бўлади, таъмирланмаган деса ҳам бўлади. Сабаби, ҳар кимнинг “айвонча”си ҳар хил ёпилган, ҳар ким ақли ва имкони етганича ёпиб, бўяган. Ҳаммасига ҳар хил деразалар ясалган. Бу “олачи-порлик”, бир сўз билан айтганда, кўп қаватли уйнинг ҳуснини бузиб турибди. Қурувчилар ҳам уйнинг ҳамма ерини чиройли қилиб, ўша “айвонча”лар ҳуснбузарга ўхшаб қолган.

– Бу балконларнинг ҳаммасини асли лойиҳадаги кўринишга келтириш, ўзбошимчалик билан ясад олингандарини, шунингдек, қўшимча қурилиш иншоотларини бузиш ҳақида вилоят ва шаҳар ҳокими маҳсус қарор чиқарган, бу ишни барибир қиласиз, керак бўлса, ички ишлар ҳодимларини жалб қиласиз, бу балконлар ишимизни хунук кўрсатишига йўл қўймаймиз. Албатта, биз уйларнинг балконлари бўлишига бутунлай қарши эмасмиз, аммо қоидаси билан бўлишини талаб қиласиз. Юринг, мен сизга балконлар қоидаси билан сақланса, қандай гўзал кўринишини кўрсатаман.

Шундан кейин Кимёгарлар қўрғонига бордик. Йўлим тушмаганидан анча вақтдан бери у ерда бўлмаган эканман, қўрғонни таниёлмай қолдим. Мен билган ўйдим-чукур кўчалар йўқ, ҳаммаёқ тоза, озода, кенг ва равон кўчалар. Кўп қаватли уйлар худди янги қурилган “дом”ларга ўхшайди, ҳаммаси чиройли қилиб таъмирланиб, алоҳида-алоҳида ранг танланиб, сифатли қилиб бўялибди. Ҳовлилардаги болалар майдончаларида болаларнинг шодон қийқириғи эшитилиб турибди.

– Бу ерда яшаётган аҳоли тўғри тушунди ва балконларини бузиб, қоидасидагидек таъмирлаб, бўяб берганимиздан кейин ўзлари ҳам хурсанд бўлишиди.

Ҳақиқатдан ҳам суратга қарсангиз, уй алоҳида, “айвонча”лар алоҳида рангда бўялгани кўзни қувонтиради.

– Кимёгарлар қўрғонида катта ишларни амалга ошираяпмиз, – деди Рустам ака. – Ҳозир бу ерда улкан канализация қувурларини ётқизаяпмиз. Яқин келажакда қўрғоннинг канализация тизими энг идеал ҳолатга келтирилади. Бундан ташқари иссиқ сув ва совуқ сув 24 соат давомида бериладиган бўлади. Қўрғоннинг инфратузилмасини яхшилаш, ободончилик ишларини амалга оширишнинг қатъий режаси тузилган. Бу йил қўрғонни шаҳар би-

лан боғлайдиган Нарпай күчасида улкан “бузиш-куриш” ишлари амалга оширилади. Йўл жуда кенгайтирилиб, ўртасидан трамвай йўли тушади, йўлнинг икки четида кўп қаватли тураржой бинолари, замонавий дўконлар, хизмат кўрсатиш иншоотлари, меҳмонхоналар қурилади. Икки-уч йил орасида қўрғонга келмаган одам ўз тасаввуридаги қўрғонни тополмайди.

Кеч бўлди. Қош қорайди. Аммо Рустам Тешаевич нинг иши камаймас эди. Ёрдамчиси қабулхонада бир қанча кишилар кутиб туришганини айтди.

– Шу баҳонада сизга иш кабинетимни ҳам кўрсатаман, – деган Рустам ака ҳазиллашди: – Бориб кўрайликчи, тахт ўз ўрнида турибдимикан?

Тахт деганича бор экан, Рустам аканинг кабинети 12 қаватли вилоят ҳокимияти биносининг нақд 12-қаватида экан. Бир томонидан Рухобод ва Гўри Амир мақбаралари, бир томондан Ҳазрати Хизр мажмууси яқъол кўриниб турибди. Кабинет деворларида Самарқанднинг ўтган асрдаги ва ҳозирги кўринишлари акс этган суратлар.

– Бу суратларга тикилишни яхши кўраман. Биз мана шу осори атиқаларни кўз қорачигидек асраб, керак бўлса, бундан ҳам яхшироқ ҳолатда кейинги авлодларга етказиш учун масъулмиз, – деди Рустам ака. – Рухободга термулсам, руҳим енгил тортади. Гўри Амирга термулсам, зиммадаги масъулиятни янада кўпроқ ҳис қиламан. Ҳазрати Хизрга термулб, илоҳий бир куч, қувват оламан.

Тақдир тақозоси билан бир қанча раҳбарларнинг кабинетларини кўрганман. Столлари устида давлат раҳбари билан, таниқли сиёsatчилар билан тушган суратлари туради. Рустам аканинг столида каттагина портретга кўзим тушди. Қиз невараси бўйнига осилиб суратга тушган. Рўпарасида эса ўғил невара.

– Буларни сал кўрмасам, соғиниб қоламан, – деди Рустам ака. – Иш билан бўлиб, ҳадеганда уларни кўролмасам, суратларига боқиб, соғинчимни босаман.

Кабинетдаги каттакон аквариум дикқатимни тортиди. “Олтин балиқча”лар сузуб юрибди.

– Аквариумни яхши кўраман. Буни “Сино” заво-



дида ишлаганимда ясаттирганман. Шундан бери неча йиллар ўтди, қаерга ишга ўтсан, у ҳам мен билан бирга кўчиб юради. Балиқларга тикилиб ўтирангиз, асабларингиз ором олади, руҳий зўриқишларни унутасиз, сокин бўласиз, худди балиқдай. Бу биз, раҳбарлар учун жуда керак. Сокин, оғир, босиқ бўлишимиз шарт. Энди айтинг, давлат бизга шунча шароитни шай қилиб берганидан кейин, хизматимизга машинани ҳайдовчиси билан бериб кўйганидан кейин, қатор имтиёзларни ҳам бериб кўйганидан кейин нега 24 соат ишламайлик?! Мана, бир кун бирга юриб, қанча ишларга гувоҳ бўлдингиз, ваҳоланки, расмий ишларим энди бошланади. Ўндан ортиқ одам қабулимда ўтирибди, ҳар бирининг дардини эшитаман, муаммосини ҳал қиласман, маслаҳат бераман. Кечаси 23:00 дан олдин борсам, янгангиз хавотир олади, “Нима бўлди, нега барвақт келдингиз, ишдан ҳайдашдими?” дейди. У ёғини сўрасангиз, ишда қолиб кетадиган кунларим ҳам кўп бўлади.

Рустам аканинг қабулига кирганлардан айримларининг суҳбатига гувоҳ бўлдим.

– Катта шифохона қурилаяпти экан, шуни менга берсангиз, яқинда бир қурувчилик фирмаси очганман, – деди бир йигит. – Фаолиятимни шундан бошласам...

– Сен қизиқ бола экансан-ку! – деди Рустам ака. – Олдин кичикроқ бир-икки нарса қур, биз кўрайлик, санъатингга тан берайлик, кейин сенга ўзимиз таклиф қиласми, мана буни қур, деб. Ҳали бирор нарса қурмаган янги қурилиш фирмасига бутун бошли шифохонани беролмайман. У шаҳар аҳолисига бир-икки йил эмас, жуда кўп йил хизмат қилиши керак. Шунинг учун у қурилишни катта тажрибали қурувчигагина ишониб топширамиз. Олдин кичикроқ бир-икки бинони қуриб кўрсат-чи, сен билан кейин гаплашамиз.

Бир қанча туманлардаги уй-жой коммунал хизмат бўлими раҳбарлари, мутассадди ходимлар, қурувчилар келишган экан, Рустам ака ҳар бирининг гапларини дикқат билан тинглаб, керакли маслаҳат ва топширикларни берди. Айримларининг муаммаларини керакли раҳбарларга кўнғироқ қилиб, жойида ҳал қилди.

Рустам Сатторовнинг ҳали-бери иши тугамаслигини қўриб, у кишидан узр сўрадим:

– Менга руҳсат берсангиз, уйимга бориб, таассурутларим эскирмасдан туриб, бир нималар ёзсан.

– Майли, яхши боринг, шеригим сизни кузатиб кўяди, – деди ҳайдовчисини ҳайдовчим эмас, шеригим дейдиган Рустам ака Сатторов. – Аммо бизни мақтаб ёзманг, биз вазифамизни адо қиласми, холос. Ёзсангиз, халқимизни мана шу улуғ ишларда камарбаста бўлишга, шаҳримизни обод қилишда ўз ҳиссаларини қўшишларига даъват қилиб ёзинг. Чунки қадимий Самарқандимизнинг жуда ҳам гўзал бўлишини, кўчалари равон бўлишини, уйларини кўрганда дил яйрайдиган мафтункор бўлишини истайман.

Каримберди ТЎРАМУРОД